


«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Тошкент шаҳар Миробод туман
хокимиятининг Тадбиркорлик
субъектларини рўйхатга олиш
инспекцияси

№ _____

2006 йил



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси Раиси

А.Э.Шайхов

-сонли буйруқ

« _____ » _____ 2006 йил

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг
“ЕКСПЕРТИЗА ВА ТОЗА ИШЛАШ МАРКАЗИ”
унитар корхонаси**

УСТАВИ

Тошкент-2006

1. Умумий қоидалар

1.1. “Экспертиза ва Тоза Ишлаш Маркази” унитар корхонаси (бундан кейин “Марказ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Бухоро кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан кейин “Палата” деб юритилади) томонидан тузилмоқда.

1.2. Марказ давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс мақомини олади, ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сонли «Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги қабул қилинган 441-сонли «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва мазкур Устав асосида олиб боради.

Марказ мустақил баланси, банк ҳисоб рақами, ўз номи ёзилган муҳри, штамп, рамзи ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

Марказ таъсисчи томонидан хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида берилган алоҳида мол-мулкка эга бўлиб, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўлади ва судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.3. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бўйича ундирилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Давлат ва унинг идоралари марказ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида марказ ҳам давлат ва унинг идоралари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Марказ ўз таъсисчисининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва таъсисчи ҳам марказ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.4. Марказ чекланмаган муддатда фаолият юритади.

1.5. Марказ жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 6 уй.

2. Фаолияти мақсади ва вазифалари

2.1. Марказ корхона (ташкilot) ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва экологик ҳолатини яхшилаш йўли орқали қулай шарт-шароит яратиш мақсадида тузилади.

2.2. Марказ қуйидаги мақсадларда тузилади:

2.2.1 «Тоза ишлаб чиқариш» концепциясини қўллаш бўйича корхона ва ташкilotларда ходим ва мутахассислар учун амалий тренинг ва маслаҳат хизматларини ўтказиш ҳамда Тоза ишлаш лойиҳаларини тайерлаш ва тадбир килишга кумақлашиш;

2.2.2.«Тоза ишлаб чиқариш» концепциясини қўллаш бўйича маҳаллий экспертларни тайёрлаш;

2.2.3. «Тоза ишлаб чиқариш» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш;

2.2.4. «Тоза ишлаб чиқариш» концепциясини қўллаш бўйича ўқитувчилар ва олий ўқув юртлари талабаларини ўқитиш учун кулланма тайёрлаш ва тадбик қилиш;

2.2.5. корхона жараёнларини оптималлаштириш бўйича янги ёндашувларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, бозорни тоза маҳсулотлар билан тўлдиришга қўмаклашиш;

2.2.6.корхона ва ташкилотларни ахборот билан таъминлаш (техникавий таклифлар) ;

2.2.7. маслаҳат бериш, тренинг йули билан замонавий, янги бошқарув тизимларини жорий этиш (халқаро стандартлар асосида, шу жумладан ИСО 9000, ИСО 14000 ва бошқа стандартлар) ;

2.2.8. халқаро стандартлар, шу жумладан ИСО 9000, ИСО 14000 сериялар стандартлари бўйича сертификатлаштиришдан олдин аудитларини ўтказиш;

2.2.9. Саноат, озиқ-овқат ва хомашё товарлари экспертизасини ўтказиш:

1. Товарларнинг миқдори ва сифатини тегишли стандартлар, шартномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказиш;

2. Шартноманинг техникавий шартларини тузиш бўйича маслаҳат бериш;

3. Юк ортишдан олдинги назорат;

4. Ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида экспорт қилинадиган маҳсулотларни аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш;

5. Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш меъёрларини аниқлаш ва товар маҳсулотга айлантириш учун товарларни идентификациялаштириш;

6. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш;

7. Олди-сотди шартномаси шартларини бажариш имкониятини аниқлаш мақсадида салоҳиятли етказиб берувчиларни тафтиш этиш;

8. Товарлар тавсифларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи иқтисодий фаолият Божхона рақами (ТН ВЭД) бўйича товар кодини аниқлаш;

9. Тест ўтказиш учун наъмуналарни танлаш;

10. Товарлар, хизматлар ва ақлий фаолият натижалари (бартер шартномалари) ни айирбошлашга мўлжалланган қиймат бўйича эквивалентлигини аниқлаш;

11. Фалокат даврида ёки/ва форс-мажор мажбуриятларига биноан мулк ва товарларга етказилган зарарлар ҳажмини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш;

12. Йўқ қилишга мўлжалланган машиналар, ускуналар ва товарлар ҳолатини аниқлаш;

13. Ҳаридорларга қайтарилган товарларни экспертизадан ўтказиш;

14. Суд органлар аниқлашлари бўйича товар ва мулкларни экспертизадан ўтказиш;
15. Қўرғазма ва ярмаркада тақдим этиладиган товарлар наъмуналарининг истеъмол ҳолатини тестдан ўтказиш;
16. Нархлар хақида ахборот тақдим этиш;
17. Ўзбек товарлари экспортдан олинмадиган валюта тушумларининг кечикиши ёки тўлиқ олинмаслилигининг асослилигини аниқлаш.
18. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлашни экспертизадан ўтказиш ва "А", "СТ-1", умумий шакллари бўйича келиб чиқиш сертификатини олиш учун текширув далолатномаларини расмийлаштириш;
19. ИСО 9001:2000; ИСО 14001:2004 стандартлари талабларига мувофиқ сифатни бошқариш ва экологик бошқарув тизимларини сертификатлаштириш;
20. Қўйидаги товарларни экспорт назорати ва божхона расмиятчиликлари учун идентификация экспертизасини ўтказиш:
21. химикатлар, материаллар, ускуналар ва шу каби жисмларнинг таркибий ва бутловчи қисмлари, мажмуавий кўринишдаги ускуна ва тизимлар;
22. чизмавий ва график шаклдаги ахборотни ўз ичига олувчи матн кўринишдаги техникавий, технологиявий хужжатлаштириш ва техникавий хисоботлар.
23. Экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилик хужжатларида кўрсатилган рухсатнома, лицензия ва сертификатлар олиш ва хужжатлар жамланмасини тайёрлаш;
24. Қўйидаги шакллар бўйича хизматлар ва маҳсулотлар мувофиқлилигини тасдиқлаш:
 - мувофиқлиликни мажбурий тасдиқлаш (мажбурий сертификатлаштириш, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказиш);
 - мувофиқлиликни ихтиёрий тасдиқлаш (ихтиёрий сертификатлаштириш).
 - Такомиллаштирилган ёки/ва сотилган маҳсулотларни халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқлилигини текшириш.

Баҳолаш ишлари

- Кўчмас мулк, машиналар, ускуна ва транспорт воситалари, номоддий активлар ва ақлий мулк, шунингдек, корхона қийматини баҳолашнинг барча турлари.
- Маҳсулот таркибининг табиийлиги ва аслийлигини ўрнатиш мақсадида замонавий ва такрорланмас идентификация ва назорат услубларидан фойдаланиш асосида маҳсулотни лаборатория тадқиқотидан ўтказиш;

2.2.10. корхона ва ташкилотларда бизнес-режаларни тайёрлаш, баҳолаш, экспертизадан ўтказиш, танлаш ва амалга ошириш;

2.2.11. бизнес-режаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва чет эл инвестицияларни, кредитларни жалб этиш;

2.2.12. янги технологияларни жорий этиш масаласини хал этиш учун чет эл ва маҳаллий амалиётни ўрганиш;

- 2.2.13. махаллий ва чет эл семинарларини, конференцияларини ва кўрғазмаларини ташкил этиш ва иштирок этиш;
- 2.2.14. лойиха ҳужжатлари ва қорхона ва ташкилотлар фаолиятини мустақил экологик экспертизасини ўтказиш;
- 2.2.15. махаллий ва чет эл инвестицияларни жалб этишда, асосий йўналишларни амалга ошириш учун кредитларни жалб этишда кўмаклашиш;
- 2.2.16. қисқа ва узоқ муддатли курслар доирасида тренинг фаолиятини амалга ошириш;
- 2.2.17. Киото протоколининг Тоза Ишлаш Механизмига оид лойихалар тайерлаш, маслаҳат бериш ва тренинглар ўтказиш;
- 2.2.18. Республика Савдо-саноат палатасинг Сифат бошқарув тизимини ташкил этиш, тадбир қилиш ва такомиллаштириш.
- 2.2.19. Республика Савдо-саноат палатасинг электрон ҳужжат бошқарув тизимини такомиллаштириш.
- 2.2.20. шу каби ташкилотларнинг халқаро амалиёт фаолиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Марказ бошқа вазифаларни бажаради;
- 2.2.21. Марказ бошқа юридик шахслар, шу жумладан халқаро ва жамоат ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши ва ҳамкорлик қилиши мумкин;

1.3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Марказ қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- шартномалар тузиш, ва бошқа келишувларни амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликка асосан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ва бериш;
- кўрсатган хизматига бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, мустақил равишда ёки келишилган баҳоларда нарх белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида ташқи иқтисодий фаолият ҳарактерига эга бўлган ахборот-маслаҳат билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- Унитар қорхона фаолиятини ҳисобга олган ҳолда бозорлар конъюнктурасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш;

- банк кредитларидан фойдаланиш;
- ярмарка ва кўрғазмаларда иштирок этиш;
- Республика доирасида ва бошқа давлатларда филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кириш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, унитар корхоналарга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

3.2. Марказнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- амалдаги қонунчилик ҳамда ўз уставларига риоя қилади, бошқарув органлари қарорларини ижро этади;
- ҳар чоракда марказ балансини тасдиқлаш учун таъсисчига тақдим этиб боради;
- олган даромадидан (фойда) таъсисчи томонидан белгиланган миқдорда ва муддатларда ажратма ўтказиб туради;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва уставда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

4. Таъсисчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Марказ таъсисчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- корхона директорини меҳнат шартномасига асосан, ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш;
- марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиб бориш;
- марказ фаолияти масалаларига оид таклиф ва фикр билдириш;
- марказ фаолияти ҳақида, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича ахборот олиш;
- марказ фаолияти асосий йўналишларини белгилаш, уставга ўзгартиришлар киритиш, устав фондига ўзгартиришлар киритиш, амалдаги қонунчилик асосида корхонани қайта ташкил қилиш ва тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

4.2. Марказ таъсисчисининг мажбуриятлари:

- марказ уставида кўрсатилган муддатда ва ҳажмда марказнинг Устав жамғармасини шакллантириш;
- марказ ўз фаолиятини амалга ошириш учун кўмак бериш;
- марказ фаолияти ҳақида махфий маълумотларни тарқатмаслик.

5. Марказ мол-мулки ва маблағлари

5.1. Қўйидагилар марказ мулкани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- таъсисчи томонидан устав фондини шакллантиришга берилган мол-мулк;
- маҳсулот, ишлар ва хизматлар, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишдан олинadиган даромадлар;
- банк ва бошқа кредиторларнинг кредитлари;
- қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар;
- таъсисчининг пул, товар ва моддий бадаллари;
- ажратманинг амортизацияси, хайрия ҳиссалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳсонлари;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5.2. Марказнинг Устав фонди 6 миллион сумни ташкил этади.

Устав фонди ҳиссалар (улуш, пай) бўйича тақсимланмайди. Шунингдек у корхона ишчилари орасида тақсимлана олмайди. Устав фонди таъсисчилар томонидан корхона давлат рўйхатидан ўтказилишига қадар 30 фоизини, қолган қисмини бир йил давомида шакллантириши лозим.

5.3. Марказнинг устав фондига молиявий, мулкӣ ва интеллектуал мулк, моддий воситалар, халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар, хомашё, материаллар ва бошқа товар-моддий бойликлар киритилиши мумкин.

5.4. Марказ заҳира ва бошқа фондларни мустақил равишда белгилайди.

5.5. Марказ барча солиқ ва бошқа бюджет олдидаги мажбурий тўловлардан сўнг, ўз таъсисчисига йиллик даромади ҳақида ҳисобот тақдим этади ва даромаддан 10% миқдоридagi маблағни таъсисчи ҳисобига ўтказиб беради.

6. Марказнинг бошқарув органи

6.1. Марказнинг юқори бошқарув органи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитаси ҳисобланади.

7. Марказнинг ижроия органи

7.1. Марказнинг ижроия органи директор бўлиб, у таъсисчи томонидан меҳнат шартномаси асосида қабул қилинади. Директор таъсисчига ҳисобот беради ва унинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

7.2. Директор қўйидаги ваколатларга эга:

- Марказ фаолиятига таалуқли масалаларни мустақил ҳал қилиш;
- Марказ номидан ишонч қоғозисиз, иш юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шартномалар тузиш ва имзолаш, банкда ҳисоб варақлар очиш ва ҳужжатларни имзолаш;
- Марказ зарур ходимлар таркибий сонини аниқлаш ва маош ҳажмини белгилаш;
- Марказ ходимларни меҳнат шартномасига асосан олиш ва бекор қилиш;
- Марказнинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Марказ хўжалик фаолиятига зарур техника, автотранспорт, бино ва бошқа фойдаланиш қуролларини сотиб олиш ва ижарага олиш;
- Марказ кўрсатган хизматлар учун ҳақ тўлаш ҳажмини мижоз билан келишилган ҳолда эркин белгилаш;
- Марказ пул маблағларини унга берилган ҳуқуқ доирасида тасарруф этиш.

Марказнинг ижроия органининг мажбуриятлари

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- Палата томонидан чиқариладиган ва ижро этиш учун бериладиган буйруқларни тўлиқ бажариш.

8. Марказ ҳисоботини юритиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш

8.1. Марказ амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисоботлари юритади.

8.2. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни марказ таъсисчиси томонидан тайинланадиган тафтиш комиссияси (тафтишчи) амалга оширади.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) марказнинг мансабдор шахсларидан барча зарур материаллар, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) текшириш натижаларини марказ таъсисчисига тақдим этади.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) йиллик ҳисоботлар натижалари бўйича ҳулоса тузади, ҳулосасиз марказ баланси таъсисчи томонидан тасдиқланмайди.

8.3. Марказнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан четдан таклиф этиладиган аудиторлик хизматлари, солиқ ва бошқа давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида, ҳамда марказ таъсисчиси назоратни амалга оширади.

9. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

9.1. Марказни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) таъсисчи ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Марказни қайта ташкил этиш пайтида унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворисига ўтади.

Марказни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинади.

9.2. Марказ қонунчиликка биноан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- таъсисчининг қарори бўйича;
- суднинг қарорига асосан.

9.3. Марказни тугатиш жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.4. Кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган марказ мол-мулки унинг таъсисчисига берилади.

9.5. Юридик шахсларни рўйхатга олиш ягона давлат реестрига корхона тугатилиши ҳақидаги қайдлар киритилганидан сўнг марказни тугатиш тамомланган, марказ фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Узбекистон Республикасининг Нотариат тугрисидаги қонуни **67-моддасига** асосан нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақийқилигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақийқилигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки факат имзонинг муайян шахс томонидан қуйилганлигини тасдиқлайди.

2006 йил Декабр ойининг 22 кунида, мен **КАРИМОВА НАРГИЗА ПУЛАТОВНА** Тошкент шаҳар хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Узбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг «**ЭКСПЕРТИЗА ва ТОЗА ИШЛАШ МАРКАЗИ**» унитар қорхонаси **Устаविда** палата Раиси Шайхов А.Э нинг менинг ҳузурида қуйган имзосининг ҳақийқилигини шаҳодатлайман.

Ҳужжатни имзолувчининг шахси аниқланди муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқат давомида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа тугдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йук.

2615 сон билан расмий руйхат китобида қайд қилинди.
Тариф буйича 1812 сум миқдоридан ундирилди.

НОТАРИУС



КАРИМОВА Н.Э.

TN 000172 сонли Лицензия
Адлия бошқармаси томонидан
19.12.2002 йил № 168 сон билан
берилган.



Принтун розано, принтун розано
И скреплено печатью
с/урагил